



Mosaic Insurance Group АЖ СТ
Ягона акциядорининг
2023 йил "16" ноябрдаги 19-сон қарор билан
Тасдиқланган



MIG

MOSAIC INSURANCE GROUP
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ
СУҒУРТА ТАШКИЛОТИ

ЯНГИ ТАХРИРДАГИ УСТАВИ

Рўйхатга олинган:	2021 йил 02 феврал
Ўзгартиришлар:	2021 йил 23 июн
Ўзгартиришлар:	2021 йил 04 октябр
Ўзгартиришлар:	2022 йил 31 январ
Ўзгартиришлар:	2022 йил 30 июнь
Ўзгартиришлар:	2022 йил 28 ноябрь
Ўзгартиришлар:	2023 йил 27 апрель
Ўзгартиришлар:	2023 йил 19 октябр
Қайта кўриб чиқилган:	[2023 йил 16 ноябр]

ТОШКЕНТ - 2023

MOSAIC INSURANCE GROUP

Акциядорлик жамияти Суғурта ташкилоти НИЗОМИ

1. АСОСИЙ ҚОИДАЛАР

- 1.1. Мазкур Низомнинг 2023 й. «16» ноябрдаги 19-сон UZBEK OPPORTUNITIES FUND, LTD тасдиқланган Жамият Устав капиталининг кўпайиши муносабати билан янги тахрирда ишлаб чиқилган.
- 1.2. "MOSAIC INSURANCE GROUP" АЖ СТ (кейинги ўринларда - "Компания"), ўзининг фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг қўлланилувчи қонунчилиги, Ўзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонун, "Суғурта фаолияти тўғрисида"ги Қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари, ҳамда мазкур Устав ва Компаниянинг бошқарув органларини мувофиқ қарорлари билан раҳбарлик қилади.
- 1.3. Компания аввал Тошкент шаҳар Яккасарой тумани Давлат хизматлари маркази томонидан масъулияти чекланган жамият шаклида "AZIMUTH INSURANCE COMPANY" МЧЖ Хорижий корхона каби 02.02.2021й.да 944334-сон гувоҳнома билан рўйхатга олинган, юридик манзил ва устав фондининг ошириш муносабати билан 944334 гувоҳнома бўйича 2021 йил 23 июн кунда Тошкент шаҳар Яккасарой тумани Давлат хизматлари марказида қайта рўйхатдан ўтган, устав фондини ошириш муносабатида 944334 гувоҳнома бўйича 2021 йил 04 октябр кунда Тошкент шаҳар Яккасарой тумани Давлат хизматлари марказида қайта рўйхатдан ўтган ва "AZIMUTH INSURANCE COMPANY" АЖ ХК СТ барча мулкӣ ва номулкӣ ҳуқуқлар ва мажбуриятлар бўйича Компаниянинг ҳуқуқӣ вориси ҳисобланади, Тафтиш комиссияси тугатилганлиги муносабати билан 2022 йил 01 июл кунда Тошкент шаҳар Яшнобод тумани Давлат хизматлари марказида 944334-сонли гувоҳнома бўйича қайта рўйхатдан ўтган, Жамиятни номи ўзгарганлиги ва Ягона акциядори ўзгарганлиги муносабати билан 2022 йил 19 декабрь кунда Тошкент шаҳар Яшнобод тумани Давлат хизматлари марказида 944334-сонли гувоҳнома бўйича қайта рўйхатдан ўтган, Жамиятни устав фондининг ошириш муносабати билан 2023 йил 28 апрель кунда Тошкент шаҳар Яшнобод тумани Давлат хизматлари марказида 2025544-сонли гувоҳнома бўйича қайта рўйхатдан ўтган, Эълон қилинган акциялар кўпайиши муносабати билан 2023 йил 19 октябрда кунда Тошкент шаҳар Яшнобод тумани Давлат хизматлари марказида 2025544-сонли гувоҳнома бўйича қайта рўйхатдан ўтган.
- 1.4. Компаниянинг ягона акциядори:

№	Номланиши	Рўйхатга олинган манзили	Рўйхатга олинган рақам
1	UZBEK OPPORTUNITIES FUND, LTD	Building 6, Caves Village, West Bay Street, Nassau, New Providence, in the Commonwealth of The Bahamas	207777B

- 1.5. Тўлиқ номланиши: ўзбек тилида – «MOSAIC INSURANCE GROUP» Aksiyadorlik Jamiyati Sug'urta Tashkiloti
инглиз тилида – «MOSAIC INSURANCE GROUP» Joint Stock Company Insurance Organization
рус тилида – Акционерное Общество Страховая организация «MOSAIC INSURANCE GROUP»
- 1.6. Қисқача номланиши: ўзбек тилида – «MIG» AJ ST
«MOSAIC INSURANCE GROUP» AJ ST
инглиз тилида – «MIG» JSC IO
«MOSAIC INSURANCE GROUP» JSC IO
рус тилида – АО СО «MIG»
АО СО «MOSAIC INSURANCE GROUP»
- 1.7. Компаниянинг (юридик ва почта) манзили: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент, 100060, Яшнобод тумани, Элбек кўч., 14, "АВИАПАРК" бизнес-маркази.

1.7. Компаниянинг фаолият муддати чегараланмаган.

2. КОМПАНИЯНИНГ ҲУҚУҚИЙ ҲОЛАТИ

- 2.1. Компания Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги билан мувофиқликда ташкил этилган.
- 2.2. Компания Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ давлат рўйхатига олинган пайтдан бошлаб юридик шахс ҳуқуқларини қўлга киритади.
- 2.3. Компания ўз мажбуриятлари бўйича фақат Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ундириб олиниши мумкин бўлган ўз мол-мулки доирасида жавобгар бўлади.
- 2.4. Давлат, унинг органлари ва ташкилотлари Компаниянинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди, худди шунингдек Компания ҳам Давлат, унинг органлари ва ташкилотларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.
- 2.5. Шўъба ва тобе хўжалик бўлинмалари, унитар корхоналар, юридик шахс ҳуқуқларига эга бўлган бошқа алоҳида бўлинмалари Компаниянинг мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайди, Компания эса ўз шўъба ва тобе хўжалик бўлинмалари, унитар корхоналар ва юридик шахс ҳуқуқларига эга бўлган бошқа алоҳида бўлинмаларнинг мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайди, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.
- 2.6. Компания ўз фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган логотип, корпоратив (юмалок) муҳр, шакллар, рамзлар ва бошқа реквизитларга эга.
- 2.7. Компания Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ юридик шахс ҳисобланади, ўзининг мустақил балансига эга, ўз номидан мулкӣ ва шахсий номулкий ҳуқуқларни олиши ва амалга ошириши, мажбуриятларга эга бўлиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.
- 2.8. Компания ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва мазкур Уставга мувофиқ амалга оширади. Компания ҳар доим амалдаги амалий қўлланмаларга ва тавсия этилган амалиётларга, шу жумладан меҳнат шароитларига, меҳнат ҳуқуқларига, ҳуқуқий воситаларга ва ишбилармонлик ахлоқига риоя қилиши; Компания нисбатан қўлланилувчи ҳар қандай экологик ва ижтимоий тадбирлар режасига риоя қилиши керак.
- 2.9. Компания Ягона акциядорнинг мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас, Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан кўзда тутилган ҳолатлар ва чегаралар бундан мустасно. Ягона акциядор Компаниянинг мажбуриятлар бўйича масъулияти ва мажбуриятлари учун фақат Устав фондига қўшган ҳиссаси доирасида жавобгар бўлади.
- 2.10. Компания Компания учун мажбурий бўлган Ягона акциядор томонидан қабул қилинган барча корпоратив ҳужжатларга риоя қилиш мажбуриятини олади.

3. КОМПАНИЯ ФАОЛИЯТИНИНГ ПРЕДМЕТИ

- 3.1. Компаниянинг асосий мақсади бўлиб Ягона акциядор манфаатларида даромадни олиш мақсадида тадбиркорлик фаолиятини юритиш (кейинги ўринларда - "Тадбиркорлик фаолияти"), жумладан, бошқалардан ташқари, қуйидагилар билан шуғулланиш ҳисобланади:
 - а) шартномавий асосда суғурталаш фаолияти; юридик ёки жисмоний шахсларнинг манфаатларини суғурта товонини (суғурта суммасини) суғурта шартномасига мувофиқ уларга тўланган суғурта бадалларидан, шунингдек суғурталовчининг бошқа маблағларидан ташкил топган пул маблағлари ҳисобига тўлаш йўли билан ҳимоя қилиш, агар маълум бир ҳодиса (суғурта ҳодисаси) содир бўлган бўлса;
 - (b) қонунчиликка мувофиқ суғурталаш билан боғлиқ бўлган товарлар, ишлар ва хизматлар экспорти;
 - (c) қонунчиликка мувофиқ суғурталаш билан боғлиқ бўлган товарлар, ишлар ва хизматлар импорти;
 - (d) қонун ҳужжатларига мувофиқ суғурта билан боғлиқ бизнес ва бошқарув масалалари бўйича маслаҳатлар бериш;
 - (e) Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан тақиқланмаган ҳар қандай фаолият, бу фаолият таъсис ҳужжатларида баён қилинган-қилинмаганлигидан қатъи назар.
- 3.2. Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан мувофиқликда Компания ўз ихтиёри бўйича масалаларни ҳал қилади, жумладан суғурталаш бизнесини юритиш ва ташкилий тузилмани, бюджетни, ходимлар сонини, иш ҳақи ставкасини, иш ҳақи фонди ўлчамларини, суғуртани сотиш, коплаш ва сиёсатни ўрнатиш билан боғлиқ бўлган йўриқномаларни, муддатларни ва тартиб-таомилларни қабул қилиш ва бажарилишини таъминлаш, ва акциядорлар йиғилиши билан қабул қилинган ҳаракатлар режаси ва тасдиқланган бюджет доирасида таҳликаларни бошқаришга нисбатан ёндашув.

- 3.3. Суғурталаш фаолиятини амалга ошириш учун Компания меҳнатга ҳақ тўлаш шакллари, тизимлари, ўлчамлари ва унинг турларини, ҳамда ходимларнинг даромадларини бошқа турларини белгилаб бериб, шартномавий асосда ишлаш учун малакали, ваколатли ва тажрибали мутахассисларни жалб қилишга ҳақли.
- 3.4. Компания "Суғурта фаолияти тўғрисида"ги Қонун ва бошқа қўлланилувчи қонунлар билан мувофиқликда юридик ва жисмоний шахслар билан суғурта полисларини расмийлаштиради ва мувофиқ ҳужжатлар асосида суғурта нархи ва коплама ўлчамини белгилайди.
- 3.5. Компания давлат ва нодавлат ташкилотларига, шунингдек, мувофиқ суғурталаш соҳасидаги халқаро ташкилотларига аъзолик учун ариза топшириши ва улардан унинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилинишини сўраши, хавф даражасини ҳисоб-китоб қилишга боғлиқ ҳолда тўлиқ ёки қисман баъзи коплашларни ёки хатарларни қайта суғурталаш, халқаро ва маҳаллий бозорларда ўз хавф-хатарларини қайта суғурталаш ва қайта суғурталашнинг даромадли халқаро ва ички сиёсатига ўз ҳиссасини қўшиши мумкин.
- 3.6. Компанияда Ўзбекистон Республикаси ваколатли давлат органининг лицензияси мавжуд бўлган тақдирда, лицензияда кўрсатилган тегишли суғурта синфлари доирасида ихтиёрий ва мажбурий суғурта шаклларида "умумий суғурта" соҳасида суғурталашни амалга оширади.
- 3.7. Маҳаллий хорижий даражада юқорида кўрсатилган мақсадларга эришиш учун Компания қуйидагиларни амалга ошириши мумкин:
 - (а) ҳар қандай патент, лицензия, жараёнлар ёки савдо белгиларини олиш ёки сотиб олиш, улардан фойдаланиш, уларни топшириш ёки бериш, суғурта фаолияти билан боғлиқ ҳар қандай мамлакатда қонун билан рухсат этилган ҳар қандай операция лицензияни тақдим этиш; ва
 - (б) умуман олганда, Компаниянинг мақсадларига бевосита ёки билвосита муносабатда бўлиши мумкин бўлган ёки Компания мақсадлари учун фойдали бўлиши мумкин бўлган ёки уни амалга оширишга ҳисса қўшиши мумкин бўлган қонун томонидан рухсат этилган суғурта фаолияти билан боғлиқ бўлган тижорат, саноат, молиявий таомилларни, қимматли қоғозлар ёки кўчмас мулк таомилларини амалга ошириш;
 - (с) Тадбиркорлик фаолиятида белгиланган мақсадларга эришиш учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида тақиқланмаган маблағларни, заёмларни, кредитларни ва ҳар қандай бошқа молиявий инструментларни ўзлаштириш.
- 3.8. Компания бевосита ёки билвосита, ўз номидан ёки учинчи шахслар номидан, яқка тартибда ёки биргаликда, иштирок этиш ёки ҳамкорлик қилиш, бошқа ҳар қандай компания ёки жисмоний ёки юридик шахслар билан ҳаракат қилиши ва бевосита ёки билвосита, Ўзбекистон Республикасида ёки ундан ташқарисида, ҳар қандай шаклда, унинг ташкил этилиши мақсадига тушадиган тартиб-таомилларни амалга ошириши мумкин.
- 3.9. Компания қўлланилувчи қонунчиликка мувофиқ ҳар қандай усулларда, жумладан улушларни, обуна ёки акцияларни, облигацияларни ёки ҳар қандай бошқа қимматли қоғозларни харид қилиш, қўшиб юбориш, ажратиш, ҳамкорлик, альянс, хомийлик ёки бошқа улушлар киритиш билан ўз шахсий бизнесини ривожлантиришга ўхшаш мақсадларга эга ёки қодир бўлган компанияларда, гуруҳларда ёки яратилган ёки яратилаётган барча компанияларда барча манфаатларни ва иштирокларни ҳар қандай шаклларда қабул қилиши мумкин.

4. КОМПАНИЯ ФИЛИАЛЛАРИ ВА ВАКОЛАТХОНАЛАРИ

- 4.1. Қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган тартибда Компания Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳам, хорижда ҳам амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда филиаллар ва ваколатхоналар ташкил этиш ҳуқуқига эга.
- 4.2. Компания бошқа минтақада (вилоятда), шаҳар, туманда ёки катта корхонада ўз филиалини, ваколатхонасини ёки суғурта агентини очиши ҳолатида, улар қонун билан белгиланган муддатда давлат рўйхатидан ўтказиш йўли билан рўйхатга олиниши керак. Компания ўз филиали ва ваколатхонасининг иш тартибини белгилаб беради. Филиаллар ва ваколатхоналар "MOSAIC INSURANCE GROUP" АЖ СТ номини + мувофиқ минтақа ёки шаҳарнинг номи билан аталади.
- 4.3. Агар Компания филиал ёки ваколатхона ташкил этаётган бўлса, Компания мазкур Уставга мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритади.

5. КОМПАНИЯНИНГ ЯГОНА АКЦИЯДОРИ

- 5.1. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида ва ушбу Уставда назарда тутилган бошқа ҳар қандай ҳуқуқлардан ташқари, Ягона акциядор қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- 5.1.1. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида ва Компаниянинг ушбу Уставида назарда тутилган тартибда Компания бошқарувида иштирок етиш;
- 5.1.2. Компаниянинг фойдасини, агар мавжуд бўлса, Ягона акциядорнинг қарори билан белгиланган тартибда ва миқдорда олиш;
- 5.1.3. Компаниянинг фаолияти, шу жумладан бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобот маълумотлари, шунингдек Ягона акциядорнинг қарори билан белгиланган тартибда бошқа ҳар қандай маълумотни олиш;
- 5.1.4. Ягона акциядор томонидан тайинланган шахс орқали Компаниянинг хўжалик операцияларини аудитини ўтказиш;
- 5.1.5. Устав қоидаларига мувофиқ Компаниядаги ўз акцияларини Учинчи томонга ёки Компанияга сотиш ёки бошқа йўл билан топшириш;
- 5.1.6. мазкур Уставнинг қоидаларига мувофиқ Компаниядан чиқиш;
- 5.1.7. Компания тугатилиши ҳолатида, кредиторлар билан ҳисоб-китоблардан сўнг қолган унинг барча мол-мулкни, ёки унинг қийматини олиш.
- 5.2. Ягона акциядор қуйидагиларга мажбур:
- 5.2.1. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига ва Ягона акциядорнинг қарорларига мувофиқ Устав фондига бадаллар киритиш;
- 5.2.2. ушбу Низом қоидаларига қатъий риоя қилиш;
- 5.2.3. махфий маълумотларни ошқор қилмаслик; ҳамда
- 5.2.4. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида ва мазкур Уставада бевосита назарда тутилган бошқа вазифаларни бажариш.
- 5.3. Ягона акциядор ўзининг Компаниядаги акцияларини Учинчи шахсга бериб юбориш ҳуқуқига эга. Бундай бериб юбориш шартлари Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва мазкур Устав талабларига мувофиқ тегишли шартнома билан белгиланади. Акциянинг Учинчи шахсга бериб юборилиши ҳолатида бундай Учинчи шахс мазкур Устав билан мувофиқликда чиқиб кетаётган иштирокчининг барча ҳуқуқ ва мажбуриятларини қонуний вориси бўлиб қолади.

6. КОМПАНИЯНИНГ МОЛ-МУЛКИ ВА АКТИВЛАРИ

- 6.1. Компания унга Компаниянинг Устав фондига ҳисса сифатида, тадбиркорлик фаолиятидан олинган даромадлар, ишлар ва хизматлар кўрсатиш натижалари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ бошқа асослар бўйича сотиб олинган бошқа мол-мулк сифатида Ягона акциядор томонидан берилган ўз номидан сотиб олинган мол-мулкнинг эгаси ҳисобланади.
- 6.2. Компаниянинг мол-мулки унинг асосий маблағларидан, айланма маблағлардан, ҳамда Компания балансида акс этирилган пул баҳосига эга бўлган ҳар қандай бошқа активлардан ташкил топади.
- 6.3. Компания мол-мулки қуйидагилар ҳисобига шакллантирилади:
- (i) Компаниянинг Устав фондидаги Ягона акциядорнинг улушлари;
 - (ii) Компаниянинг захира фонди, агар бундай захира фонди Ягона акциядорнинг қарорига(ларига) мувофиқ тузилган бўлса;
 - (iii) Компаниянинг иктисодий фаолиятидан олинган даромад (фойда) ва бошқа ҳар қандай бошқа томонлардан молиялаштириш мақсадида олинган бошқа маблағлар, шу жумладан, бошқалардан ташқари, қарз маблағлари, заёмлар ва бошқалар;
 - (iv) Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига зид келмайдиган бошқа асосларда олинган бошқа мол-мулк.

7. УСТАВ ФОНДИ

- 7.1. Компаниянинг ўз маблағлари акциядорларнинг Умумий йиғилиши қарори билан устав фонди, захира фонди, таксимланмаган фойда ва фойдадан ҳосил бўлган бошқа фондлардан ташкил топади.

- 7.2. Компания оддий ва имтиёзли эгасини исми ёзилган акцияларни жойлаштириш ҳуқуқига эга. Имтиёзли акциялар чиқарилган тақдирда бу масала Компания Акциядорлар йиғилишида муҳокама қилинади ва ҳал этилади.
- 7.3. Компаниянинг барча турдаги акцияларининг номинал қиймати 1 000 (бир минг) сўми ташкил этади.
- 7.4. Акцияларни чиқариш шакли - ҳужжатлаштиришсиз.
- 7.5. Компаниянинг Устав фонди 72 106 531 000 (етмиш икки миллиард бир юз олти миллион беш юз ўттиз бир минг) сўми ташкил қилади.
- 7.6. Компания Устав фондидаги 72 106 531 000 (етмиш икки миллиард бир юз олти миллион беш юз ўттиз бир минг) сўмга эквивалент номинал нарх билан иштирокнинг 100% улуши Ягона таъсисчининг мутлақ мулкида бўлади.

№	Акциядорнинг тўлиқ номланиши	Рўйхатга олинган рақам	Мулкчиликдаги акциялар миқдори	Акция нархи (MNT)	Акцияларнинг умумий миқдоридаги улуш
1	UZBEK OPPORTUNITIES FUND, LTD	207777B	72,106,531	1,000	100%
ЖАМИ			72,106,531	1,000	100%

- 7.7. Жамият устав фонди кўпайтириш мақсадида элон қилиниши мумкин бўлган акциялар миқдори 273 160 000 000 (икки юз етмиш уч миллиард бир юз олти миллион) сўми ташкил этади.
Номинал қиймати 1 000 сўм бўлган оддий номдаги акциялар сони – 273 160 000 дона.
- 7.8. Акциялар Компанияга инвестиция қилиш, Компанияга қўшган хиссасига асосланган овоз бериш, дивидендлар олиш ва Компаниянинг тугатилишидан сўнг Компаниянинг қолган активларини сотишдан тушган даромадларнинг улуши, шунингдек, жавобгарлик даражасини белгилайди. Ҳар бир акция овоз бериш ҳуқуқига эга
- 7.9. Акциядор Компаниядан у ҳақли бўлган қисм учун ёки ушбу қисмга тенг қийматга эга бўлган мол-мулк учун компенсация талаб қилмаслиги керак, Компания тугатилган ҳоллар бундан мустасно.
- 7.10. Компаниянинг молиявий ҳисоботида акс эттирилган барча активларнинг Мулкдори бўлиб Компания ҳисобланади, Акциядор эса акцияларда кўрсатилган Компания активларини нархини эгаси бўлиши керак. Акциядор Компаниянинг маълум активларини белгилаб бериш ва уларга эга бўлишга ҳақли эмас.
- 7.11. Компания устав фондини кўпайтириш учун кўшимча оддий акцияларни чиқариши мумкин.
- 7.11.1. Кўшимча акциялар Компания томонидан фақат мазкур Уставада кўрсатилган элон қилинган акциялар миқдори чегарасида жойлаштирилади.
- 7.11.2. Кўшимча аксияларни жойлаштириш йўли билан Компаниянинг Устав фондини кўпайтириш тўғрисидаги қарор уларнинг умумий қийматини, миқдорини, турини, номинал қийматини, жойлаштириш тартибини, усулини, муддатини, жойлаштирилишини (фонд биржасида акцияларни листинглаш ва биржадан ташқари бозорда ташкил этилган) акцияларни тўлаш тартибини белгилайди.
- 7.11.3. Фонд ёки биржадан ташқари бозорда кўшимча эмиссия акцияларини жойлаштириш қонунчилик билан белгиланган тартибда фуқаролик-ҳуқуқий битимлар тузиш йўли билан амалга оширилади.
- 7.11.4. Жойлаштирилувчи кўшимча акциялар бозор нархида, аммо номинал нархдан паст бўлмаган нархда жойлаштирилади.
- 7.11.5. Компания акцияларини ва бошқа қимматбаҳо қоғозларини жойлаштиришда пул шаклида ва бошқа тўлов воситалари орқали, мулкӣ, ҳамда пул баҳосига эга бўлган ҳуқуқлар (жумладан, мулкӣ) билан амалга оширилиши мумкин.
- 7.11.6. Компания томонидан акцияларни жойлаштириш муддати уларнинг чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказиш пайтидан бир йилдан ошмаслиги керак.

- 7.11. Устав фонди акцияларни номинал нархини камайтириш ёки акцияларнинг умумий миқдорини камайтириш йўли билан камайтирилган бўлиши мумкин.
- 7.12. Устав фондини Компаниянинг барча кредиторларини ёзма хабардор қилмасдан камайтириш мумкин эмас. Устав фонди Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан ўрнатилган минимал ўлчамдан кам бўлиши мумкин эмас.
- 7.13. Устав фонди мазкур Уставнинг 12.2 (с)-моддаси билан кўзда тутилган тартибда Ягона акциядорнинг қарори бўйича ўзгартирилган бўлиши мумкин. Ягона акциядор устав фондини камайтириш ҳақида қарор қабул қилишда Устав фондини камайтириш сабабини кўрсатиши керак.
- 7.14. Устав фондини камайтириш ва кўпайтириш ҳақидаги қарор Компаниянинг Устав фондини камайтириш ёки кўпайтириш билан боғлиқ бўлган Компания Уставига киритилган ўзгартиришлар давлат рўйхатига олинган санадан кучга киради.
- 7.15. Компания акциядорларнинг Умумий йиғилиши томонидан белгиланадиган Компания фаолияти учун зарур бўлган соф фойда ва бошқа маблағлар ҳисобидан захира фондини ташкил қилинади.
- 7.16. Бошқа маблағлар мавжуд бўлмаганида, Компаниянинг захира фонди Компаниянинг зарарларини қоплаш, Компаниянинг корпоратив облигацияларини чиқариш, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш ва Компания акцияларини сотиб олиш учун мўлжалланган. Захира фондидан бошқа мақсадларда фойдаланиш мумкин эмас.
- 7.17. Компания Компаниянинг соф фойдасидан ҳар йилги мажбурий ажратмалар қилиш йўли билан Устав фондининг ўн беш фоиздан (15%) кам бўлмаган миқдорда захира фондини (Захира фондини) яратади. Ҳар йилги ажратмаларнинг ўлчами юқорида кўрсатилган ўн беш фоизлик ўлчамга етгунга қадар соф фойдадан ўн беш фоиздан кам бўлиши мумкин эмас.
- 7.18. Захира фондини тўлик ёки қисман сарфланиши ҳолатида у мажбурий ажратмалар ҳисобидан тикланади.

8. СОФ ФОЙДАНИ ТАҚСИМЛАШ ТАРТИБИ

- 8.1. Бюджетга солиқларни ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан кейин, агар улар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ этилмаган бўлса, ва Компания фондларига ажратмаларни киритишдан сўнг, Ягона акциядор ушбу йил учун соф фойданинг қолган қисмини эълон қилиши керак ва эълон қилиниши керак бўлган ва фойдани тақсимлаш ҳақида қарорнинг Ягона акциядор томонидан қабул қилиниши санасидан 60 (олтмиш) кун давомида Ягона акциядорга тўланадиган дивидендларни эълон қилиши мумкин, агар Ягона акциядор дивидендлар тўланиши керак бўлган муддат давомида бошқа муддатни тасдиқлаб бермаса.
- 8.2. Компания ҳар чоракда, ҳар олти ойда ёки ҳар йили Ягона акциядор қарори билан белгиланадиган миқдорда ва фақат Устав фонди тўлик тўланганидан кейин жойлаштириладиган акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақлидир.
- 8.3. Компаниянинг молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги ва тўққиз ойи натижалари бўйича дивидендларни тўлаш тўғрисидаги қарори мувофиқ давр тугаганидан кейин уч ой ичида қабул қилиниши мумкин.
- 8.4. Ўзбекистон Республикаси норезидент-акциядорнинг ёзма сўровига биноан Компания ҳисобланган дивидендларни эркин конвертация қилинадиган валютага айлантириши ва пул маблағларини норезидент-акциядор тақдим этган банк ҳисобига ўтказиши керак.
- 8.5. Конвертация қилиш учун асос Компания томонидан тасдиқланган Компания Акциядорларининг реестридан олинган кўчирма ва ҳисобланган дивидендлар миқдори ва уларни ҳисоблаш санаси бўйича Компаниянинг молиявий ҳисоботидан олинган кўчирма ҳисобланади.
- 8.6. Компания қуйидаги ҳолларда дивидендларни эълон қилиш ва тўлаш ҳуқуқига эга эмас:
 - 8.6.1. Компаниянинг Устав фондига тўлик ҳисса қўшилгунга қадар;
 - 8.6.2. Компаниянинг Ягона акциядори акцияларининг ҳақиқий қийматини тўлагунга қадар;
 - 8.6.3. агар ушбу қарор қабул қилинган вақтда Компания Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ банкротлик шартларига жавоб берса ёки ушбу шартлар ушбу қарор қабул қилиш натижасида Компанияда юзага келса;

- 8.6.4. агар ушбу қарор қабул қилинган вақтда Компаниянинг соф активларининг қиймати унинг Устав фонди ва захира фонди миқдоридан кам бўлса, агар бундай захира жамғармаси Ягона акциядор томонидан яратилган бўлса ёки бундай қарор натижасида иккала миқдордан кам бўлса;
- 8.6.5. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда.

9. АКЦИЯЛАРНИ БОШҚА ИШТИРОКЧИЛАРГА ВА УЧИНЧИ ШАХСЛАРГА ЎТКАЗИШ

- 9.1. Акцияларни Учинчи томонга ўтказиш сотиш ёки воз кечишнинг бошқа йўли билан амалга оширилиши мумкин. Воз кечишнинг бошқа воситалари, бошқалардан ташқари, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ хайр-эҳсон, ҳада ёки бошқа тасарруфни ўз ичига олиши мумкин.
- 9.2. Компаниянинг акцияларга эгалик қилиш ҳуқуқини ва Ягона акциядорнинг мажбуриятларини ўтказиш тўғрисидаги далилларини тақдим этгандан сўнг, акциялар харидорига ўтади.
- 9.3. Устав фондидаги акциялар Компаниянинг Ягона акциядори бўлган юридик шахсларнинг меросхўрлари ва ҳуқуқий ворисларига ўтади.
- 9.4. Акцияларнинг Компаниянинг Ягона акциядори томонидан гаровга қўйилиши Ягона акциядор қарори билан йўл қўйилади.
- 9.5. Ушбу Уставда белгиланмаган Ягона акциядорнинг акцияларини ўтказиш тўғрисидаги қоидалар Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан тартибга солинади.

10. КОМПАНИЯ ОРГАНЛАРИ

- 10.1. Компанияда қуйидаги корпоратив ва бошқарув органлар фаолият юритади:
- 10.1.1. Ягона акциядор - олий орган;
- 10.1.2. Компаниянинг Кузатув Кенгаши;
- 10.1.3. Бош директор - ягона ижрочи орган (ёки "Бош Директор").

11. ЯГОНА АКЦИЯДОР

- 11.1. Ягона акциядор Компаниянинг юқори корпоратив бошқарув органи ҳисобланади ва унинг ваколатига тааллуқли барча масалалар бўйича қарорлар қабул қилади.

12. ЯГОНА АКЦИЯДОРНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ

- 12.1. Ягона акциядор мазкур Устав ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан мувофиқликда Компаниянинг фаолияти билан боғлиқ бўлган барча масалаларни ҳал қилишга ҳақли.
- 12.2. Ягона акциядор ушбу Уставнинг қоидаларига мувофиқ ва Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида тақиқланмаган ваколатлар доирасида қуйидаги масалаларни ҳал қилишнинг мутлақ ваколатига эга:
- а) Компания фаолиятининг устувор йўналишини белгилаш, шунингдек тижорат ташкилотларининг бошқа бирлашмаларида иштирок этиш тўғрисидаги қарорни қабул қилиш;
 - б) компания уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки компаниянинг янги уставини тасдиқлаш;
 - в) устав фонди миқдорини ўзгартириш тўғрисидаги қарорларни тасдиқлаш, эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини аниқлаш, ўз акцияларини сотиб олиш;
 - д) нопуллиқ улушларни пуллиқ баҳолаш, агар бундайлар Устав фондида мавжуд бўлса;
 - е) Компанияни қайта ташкил этиш ва тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ва оралик ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш тўғрисида қарор қабул қилиш;
 - ф) Компания аудити тўғрисида қарор қабул қилиш, аудиторлик ташкилотини сайлаш ва аудитор хизматлари учун тўлов миқдорини белгилаш;
 - г) йиллик ҳисоботлар ва бухгалтерлик балансларини, шу жумладан Компаниянинг даромад ва зарар ҳисобларини тасдиқлаш;
 - ҳ) даромад ва зарарларни тақсимлаш тартибини тасдиқлаш;
 - и) Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан мувофиқликда аффилиланган шахслар билан келишувларни амалга ошириш ҳақида қарор қабул қилиш;

ж) йирик битимларни амалга ошириш хақида қарор қабул қилиш кунидан кейин келувчи охириги ҳисобот даври сифатида (қайси бири паст бўлишига боғлиқ ҳолда) бухгалтерлик ҳисоботи маълумотлари асосида аниқланувчи нархи Компания мол-мулкининг нархидан 25%га юқори келувчи бевосита ёки билвосита мол-мулкни Компания томонидан харид қилиш, тасарруф қилиш ёки тасарруф қилиш имкони билан боғлиқ бўлган йирик битимларни амалга ошириш хақидаги қарорни қабул қилиш, пастки чегара қийматларини Ягона акциядор томонидан тасдиқланиши талаб этилувчи қуйидаги «и», «v», «w» и «х»-бандларда кўзда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

к) бошқа юридик шахсларни, шу жумладан шўба ва тобе хўжалик жамиятларини, шунингдек ваколатхоналар ва филиалларни ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилиш, уларнинг низомларини (уставларини) тасдиқлаш, ваколатхоналар ва филиалларни қайта ташкил этиш ва тугатиш;

л) Компаниянинг мол-мулкни гаровга қўйиш ёки Компанияни Учинчи томон олдида кафиликка ўтказиш тўғрисидаги қарор;

м) Компаниянинг қўчмас мулкни ва қўчмас мол-мулкни сотиш, ижарага бериш ва бошқа тасарруф қилиш тўғрисидаги қарор;

н) Бош директорни тайинлаш ва / ёки тайинлаш шартларини ўзгартириш, бошқа директорларга (шу жумладан филиаллар директорлари ва ваколатхоналар раҳбарлари) иш хақи миқдорини ва шартларини белгилаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан олдин бекор қилиш;

о) Компания органлари фаолиятини тартибга солувчи ички ҳужжатларни тасдиқлаш (қабул қилиш);

р) компаниянинг ички аудиторини (ички аудит хизматини) ва ташқи аудиторини тайинлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан олдин бекор қилиш;

қ) Компаниянинг йиллик бизнес-режаси ва бюджетини (инвестициялар, ишлаб чиқариш қувватларини сотиб олиш ва ҳ. к.) қабул қилиш ва тасдиқланган бизнес-режага мувофиқ тасдиқланган бюджетдан ташқари ҳар қандай харажатлар ёки тўловларни амалга ошириш;

ғ) ҳар қандай бошқа компания ёки юридик шахсда овоз бериш ҳуқуқини амалга ошириш бўйича ҳар қандай қарор қабул қилиш;

с) Компания томонидан қимматли қоғозларни чиқариш, сўндириш ёки харид қилишни маъқуллаш;

т) ҳар қандай характердаги суд ёки ҳакамлик терговнинг ҳар қандай шаклини қўзғатиш ёки тартиблаштириш;

у) йиллик бюджетда тасдиқланган, аммо 100 000 (юз минг) АҚШ долларида ошиб кетган ҳар қандай тўловлар ёки турли хил тўлашлар;

в) қуйидаги қарорларнинг бирон бири, агар улар йиллик бюджетда тасдиқланмаган бўлса:

- 25 000 (икки юз эллик минг) АҚШ долларида юқори бўлган ҳар қандай тўловлар ёки турли хил тўлашлар;

- Ҳар қандай боғлиқ томонга ҳар қандай тўловлар ёки ҳар қандай боғлиқ томон билан кафолатлар ёки ўхшаш таомиллар;

- 10 000 (ўн минг) АҚШ долларида юқори бўлган ҳар қандай қарздорлик.

w) Амал қилиш муддати 10 (ўн) йилдан ошиб кетадиган ёки бундай суммаларни 250 000 (икки юз эллик минг) АҚШ долларида ошадиган фойда ёки харажатларга оқилона олиб келиши мумкин бўлган ҳар қандай шартномани (ёки бир қатор битимларни), агар шартнома муддатсиз тузилган бўлса, бир йил ичида тузиш ёки бекор қилиш;

х) транзакция учун 100 000 (юз минг) АҚШ долларида ортиқ бўлган ҳар қандай инвестициялар ва транзакция учун 100 000 (юз минг) АҚШ долларида ортиқ бўлган ҳар қандай активларни сотиб олиш ёки тасарруф қилиш билан боғлиқ ҳар қандай қарор;

у) юқори даражали раҳбарларни ёки унга тенглаштирилган раҳбарларни ёки бошқа асосий ходимларни тайинлаш, уларнинг мукофот пакетини аниқлаш ва уларни ишдан бўшатиш бўйича ҳар қандай қарор;

z) Ўз ходимлари учун акция, мукофот ёки шунга ўхшаш мукофот схемасининг ҳар қандай опционини тасдиқлаш, Ўзбекистон Республикаси конунчилигига мувофиқ пенсия схемаларини тасдиқлаш;

aa) Компания Кузатов кенгашининг миқдорий таркибини аниқлаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан олдин бекор қилиш;

bb) тафтиш комиссияси аъзоларини (тафтишчини) сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан олдин тугатиш, шунингдек тафтиш комиссияси (тафтишчи) тўғрисидаги низомни тасдиқлаш;

с) кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясининг (тафтишчининг) ўз ваколатига кирадиган масалалар бўйича, шу жумладан компания бошқаруви тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига ва тафтиш комиссиясини (тафтишчини) хулосаларига риоя этилиши тўғрисидаги ҳисоботларини эшитиш;

dd) Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ Ягона акциядорнинг мутлақ ваколатига киритилган бошқа масалаларни маъқуллаш. Мазкур Уставнинг 13.3- ва 12.2-моддаларида кўрсатилган масалалар бўйича қарорлар ёзма қарор шаклида Ягона акциядор томонидан қабул қилинади.

13. КОМПАНИЯНИНГ КУЗАТУВ КЕНГАШИ

- 13.1. Компаниянинг Кузатув кенгаши компаниянинг умумий бошқарувини амалга оширади, акциядорлар Умумий йиғилишининг ваколатига тааллуқли масалалар бундан мустасно.
- 13.2. Компания Кузатув кенгаши аъзолари акциядорлар Умумий йиғилиши томонидан бир йил муддатга сайланади. Компания Кузатув кенгаши аъзолари сони - 3 киши.
- 13.3. Компаниянинг Кузатув кенгаши ваколатига қуйидагилар кирди:
 - 13.3.1. компаниянинг ривожланиш стратегиясини амалга ошириш бўйича кўрилган чора-тадбирлар тўғрисида компания ижроия органи ҳисоботини мунтазам эшитиш орқали компания фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;
 - 13.3.2. мол-мулкнинг бозор қийматини аниқлашни ташкил этиш;
 - 13.3.3. компаниянинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш. Ушбу ҳолатда кейинги йилга компаниянинг бизнес-режаси жорий йилнинг 1 декабридан кечиктирмасдан компаниянинг кузатув кенгашини мажлисида тасдиқланиши керак;
 - 13.3.4. акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари йиғилишларини чақириш;
 - 13.3.5. акциядорларнинг умумий йиғилишини қон тартибини тайёрлаш, акционерларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санани, вақтни ва жойини белгилаш, акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабардор қилиш учун компания акциядорларини реестрини шакллантириш санасини белгилаш;
 - 13.3.6. ички аудит хизматини (аудиторни) ташкиллаштириш ва унинг ходимларини тайинлаш, ҳамда уларнинг ҳар чорак ҳисоботларини тинглаш;
 - 13.3.7. компаниянинг ижрочи органининг фаолияти билан боғлиқ бўлган ҳар қандай ҳужжатларга эркин кириш, ва компаниянинг кузатув кенгашига юклатилган вазифаларни бажариш учун ижрочи органдан ушбу ҳужжатларни олиш. Компаниянинг Кузатув кенгаши ва унинг аъзолари олинган ҳужжатларни фақат хизмат мақсадларида қўллашлари мумкин;
 - 13.3.8. аудит ўтказилиши ҳақида қарор қабул қилиш, аудиторлик ташкилотининг ва унинг хизматларини мукофотлашнинг максимал ўлчамларини белгилаш;
 - 13.3.9. компания тафтиш комиссияси аъзоларига (тафтишчисига) тўланувчи мукофотлар ва компенсацияларнинг ўлчами бўйича тавсиялар бериш;
 - 13.3.10. дивидендлар ўлчами, шакли ва уларни тўлаш тартиби бўйича тавсиялар бериш;
 - 13.3.11. жамиятнинг захира ва бошқа фондларидан фойдаланиш;
 - 13.3.12. компания филиалларини ва ваколатхоналарини очиш;
 - 13.3.13. компаниянинг шўба ва тобе жамиятларини ташкил қилиш;
 - 13.3.14. қимматли қоғозлар ва эмиссиялар проспектини чиқариш ҳақидаги қарорларни тасдиқлаш;
 - 13.3.15. аввал рўйхатга олинган қимматли қоғозлар чиқаришда ўзгартиришлар ва (ёки) қўшимчалар киритиш;
 - 13.3.16. компания директорининг ваколатларини муддатидан олдин тугатиш ҳолатида директор вазифаларини бажарувчисини тайинлаш;
 - 13.3.17. қонунчилик билан ўрнатилган тартибда тижорат ва нотижорат ташкилотларда компаниянинг иштироки ҳақидаги шартномаларни тузиш.
- 13.4. Ягона акциядор Компаниянинг Кузатув кенгаши аъзоларини сайлайди.
- 13.5. Компаниянинг Кузатув кенгаши раиси Кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонидан кўпчилик овозлар билан Кузатув кенгаши аъзолари томонидан сайланади. Компаниянинг Кузатув кенгаши ўзининг барча аъзоларини кўпчилик овозлар билан ўз Раисини қайта сайлаш ҳуқуқига эга.

- 13.6. Компания Кузатув кенгашининг раиси унинг ишини ташкиллаштиради, Кузатув кенгашини йиғилишларини чакиради ва олиб боради, йиғилиш баённомасини тузади.
- 13.7. Кузатув кенгашининг раиси йўқ бўлган ҳолатда уни вазифаларини кузатув кенгаши аъзоларидан бири бажаради.
- 13.8. Компаниянинг Кузатув кенгаши йиғилиши унинг Раиси томонидан чоракда камида бир марта чакирилади. Компания Кузатув кенгашининг навбатдан ташқари йиғилишлари зарурат туғилиши бўйича ўтказилиши мумкин.
- 13.9. Компаниянинг Кузатув кенгашини қарори, агар унда Кузатув кенгашига сайланган аъзоларнинг камида етмиш беш фоизи иштирок этаётган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади. Компаниянинг Кузатув кенгаши йиғилишининг қарорлари йиғилишда иштирок этаётганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади, агар бошқаси қонун билан кўзда тутилмаган бўлса. Кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси Кузатув кенгашининг йиғилишидаги масалани ҳал қилишда бир овозга эга. Компания Кузатув кенгашининг бир аъзоси Кузатув кенгашининг бошқа аъзосига ўз овозини бериш ҳуқуқига эга эмас. Овозларнинг тенг келиб қолиши ҳолатида Кузатув кенгаши Раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.
- 13.10. Компаниянинг Кузатув кенгаши Кузатув кенгаши тўғрисидаги Низом билан мувофиқликда ҳаракатларни амалга оширади.

14. ЯККА ИЖРОЧИ ОРГАН

- 14.1. Бош директор Компаниянинг якка ижрочи органи ҳисобланади.
- 14.2. Бош директорнинг мутлақ ваколатларига қуйидаги масалалар қиради:
 - (а) *Уставнинг 12.2- ва 13.3-моддаларига мувофиқ Компаниянинг Ягона акциядори ва Кузатув кенгашининг мутлақ ваколатига қирмайдиган ҳар қандай масалалар.*
- 14.3. Бош директор Компаниянинг қундалик фаолиятига раҳбарлик қилади ва Компаниянинг Ягона акциядори ва Кузатув кенгашига ҳисобот беради.
- 14.4. Бош директор ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига, ушбу Низомга ва Ягона акциядор томонидан белгиланган бошқа ички ҳужжатларга мувофиқ амалга оширади.
- 14.5. Тайинланиш:
 - 14.5.1. Бош директор уч йиллик муддатга Ягона акциядор томонидан тайинланади.
 - 14.5.2. Компания ва Бош директор ўртасидаги келишув Компания номидан Ягона акциядордан вакиллик қилувчи Ягона акциядор билан ваколатланган шахс томонидан имзоланади.
- 14.6. Бош директор қуйидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларни зиммасига олади:
 - a) Компаниянинг жорий фаолияти бошқарувини амалга ошириш;
 - b) Компаниянинг барқарор фаолият юритишини ва хўжалик фаолиятдан даромад олишни таъминлаш;
 - c) ишончномасиз Компания номидан ҳаракатларни амалга оширади, жумладан Компания манфаатларини тақдим этади ва ўз ваколатлари чегарасида Ўзбекистон Республикасида ва хорижда битимлар тузади;
 - d) Компаниядан вакиллик қилиш ҳуқуқига ишончномалар беради;
 - e) Компания ходимлари билан меҳнат шартномаларини тузиш ва бекор қилиш, моддий рағбатлантириш ва интизомий жазо чораларини қўллайди. Лавозим оқладларининг шакллари ва ўлчамлари бўйича сиёсат масалалари бўйича таклифларни Ягона акциядорга кўриб чиқишга киритиш;
 - f) Компаниянинг ташкилий тузилмаси бўйича Ягона акциядорга таклифларни киритиш;
 - g) Компаниянинг тузилмаси ва штат жадвалини, меҳнатга ҳақ тўлаш миқдорини, Компаниянинг ички ҳужжатларини тасдиқлаш, компенсация тўлаш тартиби ва миқдорини белгилаш ва Компания ходимларига бошқа тўловларни амалга ошириш;
 - h) Компания фаолиятини тартибга солувчи ички ҳужжатларни тасдиқлаш (қабул қилиш), олий органлар фаолияти бундан мустасно;
 - i) Компаниянинг банк ҳисобларини очиш;
 - j) Ягона акциядор, Компания Кузатув кенгаши томонидан қабул қилинган қарорлар ижросини таъминлаш;
 - k) Компаниянинг бизнес-режаси ва бюджетларини тайёрлаш ва улар бўйича компания Кузатув кенгаши муҳокамасига таклифлар киритиш ва Ягона акциядори тасдиқлаш;

l) Компания активлари қийматининг 25 %дан кам миқдорда ҳар қандай кредит ва заёмларни олиш тўғрисида қарор қабул қилиш, агар бу Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ йиллик бизнес-режада назарда тутилмаган бўлса;

m) Ягона акциядорни йиллик ҳисобот, бухгалтерия баланси, Компания даромадлари ва зарарлари ҳисобини тасдиқлаш, унинг даромадлари ва зарарларини тақсимлаш, шунингдек, Компанияни қайта ташкил этиш масалалари бўйича тайинлаш;

n) Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Уставга мувофиқ Компаниянинг Ягона акциядори ва Кузатув кенгаши ваколатига кирмайдиган Компания фаолияти билан боғлиқ бошқа масалалар бўйича қарорлар қабул қилиш.

14.7. Бош директор Компаниянинг жорий фаолияти, унга юкланган вазифалар ва функциялар учун жавобгардир. Бош директор ўзини ҳар қандай ваколатларини ва мажбуриятларини Компаниянинг мансабдор шахсига ёки ходимига Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ёки ушбу Устав билан тақиқланмаган ҳажмда ишончнома асосида топшириши мумкин.

14.8. Бош директор Компания номидан ҳужжатларни имзолаш ҳуқуқига эга.

14.9. Бош директорнинг фаолият тартиби Компаниянинг ички ҳужжатлари, агар бундайлар мавжуд бўлса, ва Компания ва Бош директор ўртасида тузилган меҳнат шартномаси билан белгиланади.

14.10. Бош директорга қуйидагилар тақиқланади:

14.10.1. Ягона акциядорнинг ёзма розилигисиз Компаниядан (шу жумладан, ҳада шартномалари, ссудалар, бепул фойдаланиш, сотиб олиш-сотиш ва шунга ўхшаш) мулкӣ фойда олишга қаратилган Компания билан меҳнат шартномаларидан ташқари битимлар тузиш;

14.10.2. Компания томонидан Учинчи томонлар билан тузилган битимлар учун Компаниянинг ўзи ёки Учинчи томонлардан комиссия олиш;

14.10.3. Компания билан бўлган муносабатларида Учинчи шахслар номидан ёки уларнинг манфаатларидан келиб чиққан ҳаракатлар;

14.10.4. Компания фаолияти билан рақобатлашадиган тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш.

14.11. Бош директорнинг жавобгарлиги.

14.11.1. Бош директор ўз вазифаларини ва ҳуқуқларини амалга оширишда Компания манфаати учун виждонан ва оқилона ҳаракат қилиши керак.

14.11.2. Бош директор, агар бошқа асослар ва жавобгарлик миқдори Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланмаган бўлса, Компанияга унинг қасдан қилган ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли етказилган зарар учун жавобгарликни зиммасига олади.

14.11.3. Бош директорнинг масъулияти асослари ва миқдорини аниқлашда бизнес алоқаларининг урф-одатлари ва иш учун муҳим бўлган бошқа ҳолатлар ҳисобга олинishi керак.

14.11.4. Компания ва/ёки Ягона акциядор Бош директор томонидан Компанияга етказилган зарарни қоплаш учун судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

15. АУДИТ

15.1. Ягона акциядор мустақил аудиторлик компаниясини молиявий ҳисоботнинг ишончилигини, бухгалтерия ёзувлари ва ҳисоботларнинг белгиланган талабларга мувофиқлигини аудити ва текшириши учун тайинлайди.

15.2. Аудиторлик ташкилоти 1 (бир) йил муддатга Ягона акциядор томонидан сайланади. Компаниянинг аудитори халқаро обрўга эга аудиторлик компанияси ҳисобланади.

15.3. Агар компания активларининг баланс қиймати бир миллиард сўмдан ошса, компанияда ички аудит хизмати ташкил этилади. Ички аудит хизмати аъзолари компаниянинг Кузатув кенгаши томонидан тайинланади. Ички аудит хизмати компаниянинг Кузатув кенгашига ҳисобдордир.

15.4. Компаниянинг ички аудит хизмати компаниянинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари томонидан Компаниянинг қонун ҳужжатлари, Устави ва бошқа ҳужжатларига риоя этилишини, бухгалтерия ва молиявий ҳисоботларда ахборотнинг тўлиқ ва ишончли тақдим этилишини, белгиланган қоидалар ва бизнес юритиш тартиб-қоидаларига риоя этилишини таъминлайди. Компаниянинг ижроия

- органи, филиаллари ва ваколатхоналарининг ишини назорат қилади ва баҳолайди, Компания бошқаруви тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишини назорат қилади ва баҳолайди.
- 15.5. Ички аудит хизмати ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва ушбу Устав билан белгиланадиган тартибда амалга оширади.

16. КОМПАНИЯ ТАФТИШЧИСИ

- 16.1. Компаниянинг Тафтишчиси компаниянинг молиявий-хўжалик фаолиятини назорат қилиш учун бир йил муддатга акциядорлар умумий йиғилиши томонидан сайланади. Компания Тафтишчиси 1 (бир) одамдан ташкил қилади.
- 16.2. Компания Тафтишчисининг ёзма илтимосига биноан Компаниянинг ижро этувчи органида лавозимни эгаллаган шахслар Компаниянинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни Компания Тафтишчисига тақдим этишлари керак.
- 16.3. Компания Тафтишчиси бир вақтнинг ўзида Компания Кузатув кенгашининг аъзоси ҳисобланиши, шунингдек, меҳнат шартномаси бўйича бир Компанияда ишлаши мумкин эмас.
- 16.4. Компания тафтишчиси, Компания Кузатув кенгаши ташаббуси билан ёки Ягона акциядорнинг хоҳишига кўра Кузатув кенгашини олдиндан хабардор қилиш йўли билан бир йил ёки бошқа давр мобайнида ўз фаолияти натижалари тўғрисида олдиндан хабардор қилиниши керак.
- 16.5. Компания Тафтишчиси Компаниянинг Кузатув кенгашига Компаниянинг филиаллари билан тузилган шартномалар ёки йирик битимлар мавжудлиги, шунингдек, Компаниянинг бундай шартномаларни тузиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва ички ҳужжатларига риоя этилиши тўғрисида ҳар чоракда ҳисобот тақдим этади.
- 16.6. Компания Тафтишчисининг фаолият тартиби Ягона акциядор томонидан тасдиқланган "Компания тафтишчиси тўғрисида"ги Низом билан белгиланади.

17. МОЛИЯВИЙ ЙИЛ, БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА ҲИСОБОТЛАРИ, ЙИЛЛИК ҲИСОБОТЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ, ТЕКШИРИШ ВА ТАСДИҚЛАШ

- 17.1. Компаниянинг Молиявий йили 1 январдан бошланади ва ҳар календар йилнинг 31 декабрида тугайди, агар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, фаолиятнинг биринчи йили Компания давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб бошланади ва шу йилнинг 31 декабрида тугайди.
- 17.2. Компания бухгалтерия ҳисобини юритиши ва молиявий ҳисоботни қонунчиликда белгиланган тартибда топшириши шарт.
- 17.3. Компания ташқи аудитори томонидан бундай ахборотни текширгандан сўнг Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ баланс ва фойдалар ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботларни тақдим этиши, шунингдек, Ягона акциядорга Ягона акциядорга жиддий салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган барча воқеаларни ошкор қилиши керак.
- 17.4. Компания томонидан қўлланиладиган молиявий ва бухгалтерия тизими Ўзбекистон Республикасининг молиявий ва бухгалтерия тизимларини бошқариш қонунлари, қонун-қоидаларига мувофиқ бўлиши керак ва БҲМС (Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари) ва МҲХС (Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари) талаблари асосида тегишли молиявий ва солиқ органларига хабар қилиниши керак. Компаниянинг ҳисоб-китоблари ва ҳисоботларида Ягона акциядорга тақсимланадиган фойда ҳисоб-китобларида, шунингдек, валютани конвертация қилиш зарур деб ҳисобланадиган бошқа мақсадлар учун бундай конвертация ҳақиқий битим санасида ваколатли банк томонидан белгиланган валюта курсидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.
- 17.5. Компаниянинг молиявий ҳисоботларида тақдим этилган ва акциядорларнинг умумий йиғилишига тақдим этилган молиявий ҳисобот, баланс, фойда ва зарарлардаги маълумотларнинг ишончилиги Компания ёки унинг акциядорлари билан боғлиқ бўлмаган аудиторлик компанияси томонидан тасдиқланиши керак.

- 17.6. Компания Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ тайёрланган йиллик молиявий ҳисоботни Халқаро аудит стандартларига мувофиқ ташки аудитдан сўнг йиллик умумий акциядорлар йиғилиши ўтказиладиган санадан камида икки ҳафта олдин эълон қилиши керак.
- 17.7. Компаниянинг ҳисоб ёзувлари ва ҳисоботлари Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган талабларга мувофиқ сақланиши керак. Компания Ўзбекистон Республикасининг қонунларида кўрсатилган барча молиявий ҳужжатларни Ўзбекистон Республикасининг шундай қонунларида кўрсатилган тегишли вақт мобайнида сақлайди.

18. КОМПАНИЯНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТУГАТИШ

- 18.1. Компания Ягона акциядорнинг қарори билан ёки Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан назарда тутилган бошқа ҳолларда қайта ташкил этилиши мумкин. Компанияни қайта ташкил этиш қўшиб юбориш, бирлаштириш, бўлиш, ажратиб чиқариш ва қайта тузиш шаклида амалга оширилиши мумкин.
- 18.2. Компания Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган асосларга кўра Ягона акциядор қарори ёки суднинг қарорига биноан тугатилиши мумкин. Компания Ягона акциядорнинг қарори билан тугатилган тақдирда у дарҳол давлат рўйхатидан ўтказувчи органни ёзма равишда хабардор қилиши шарт.
- 18.3. Компанияни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилган Ягона акциядор тугатувчини тайинлайди ва тугатиш тартиби ва муддатини белгилайди.
- 18.4. Тугатувчи Компания кредиторларини тугатиш тўғрисида хабардор қилади ва кредиторлар томонидан билдиришномаларда даъво тақдим этиш тартиби ва муддатларини белгилайди.
- 18.5. Тугатувчи тайинланган пайдан эътиборан Компанияни бошқариш ва судда тугатилаётган Компания номидан фаолият юритиш ваколати тугатувчига ўтади. Тугатувчи Компания кредиторларини аниқлаш ва дебиторлик қарзларини олиш чораларини кўради ва Компанияни тугатиш тўғрисида кредиторларни ёзма равишда хабардор қилади. Кредиторлар даъво аризаларини тақдим этиш муддати тугагандан сўнг тугатувчи Компаниянинг мол-мулки, кредиторлар талаблари рўйхати ва даъволарни кўриб чиқиш натижалари ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олган муваққат тугатиш балансини тузади. Муваққат тугатиш баланси Ягона акциядор томонидан тасдиқланади.
- 18.6. Компания бу ҳақдаги ёзув ягона давлат реестрига киритилгандан сўнг тугатилган ҳисобланади. Ушбу Устав Компания тугатилганидан кейин бекор бўлади.
- 18.7. Компанияни қайта ташкил этиш ва тугатиш тартиб-таомили, агар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, ушбу Уставнинг 18-моддасига мувофиқ амалга оширилади.

19. АХБОРОТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ. ҲУЖЖАТЛАРНИ САҚЛАШ

- 19.1. Компания қуйидаги ҳужжатларни сақлаши шарт:
- a) Белгиланган тартибда рўйхатга олинган Компания Устави ва унга киритилган барча ўзгартириш ва кўшимчаларни;
 - b) Компанияни ташкил этиш тўғрисидаги қарорни ўз ичига олган Ягона акциядорнинг фармонлари/қарорлари ва Компаниянинг Устав фондига нақд пулсиз бадалларни баҳолашни тасдиқлаш, шунингдек Компания ташкил этишга доир бошқа қарорларни;
 - c) Компания давлат рўйхатидан ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳужжатни;
 - d) Компаниянинг балансидаги мол-мулкка бўлган ҳуқуқларини тасдиқловчи ҳужжатларни;
 - e) Компаниянинг филиаллари ва ваколатхоналари тўғрисидаги Низомларни;
 - f) Ягона акциядорнинг фармонлари/қарорларини;
 - g) Компания ташки аудиторининг хулосалари; шунингдек
 - h) Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, ушбу Устава, Компаниянинг ички ҳужжатларида, Ягона акциядор ва Бош директорнинг фармонлари/қарорларида назарда тутилган бошқа ҳужжатларни.
- 19.2. Компания 19.1-бандда кўрсатилган ҳужжатларни асосий офисида ёки Ягона акционерга маълум ва эришимли бўлган бошқа жойларда сақлаши керак.
- 19.3. 19.1-бандда кўзда тутилган барча ҳужжатлар танишиш учун Ягона акциядорга берилади. Ягона акциядорнинг талаби бўйича Компания кўрсатиб ўтилган ҳужжатларнинг нусхаларини тақдим этади.

Компаниянинг нусхаларни тақдим этиш учун ундирадиган тўлови бундай нусхаларни тайёрлаш учун сарфланган харажатлардан ошмаслиги керак.

20. СУҒУРТАЛАШ

20.1. Компаниянинг мол-мулки ва унинг фаолияти билан боғлиқ бўлган хатарлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ суғурталаниши мумкин.

21. САВДО БЕЛГИСИ


21.1. Компания товар белгисидан фойдаланмасдан ўз савдо белгисига эга бўлиши мумкин. Компаниянинг савдо белгиси объектларда, транспорт воситаларида, ишлаб чиқарилувчи (йиғилувчи) маҳсулотларда, кўрсатилаётган хизматларда ва Компания билан боғлиқ рекламаларда ишлатилиши мумкин.

22. БОШҚАЛАР

- 22.1. Ушбу Устав Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб қучга қиради.
- 22.2. Мазкур Уставда ақс эттирилмаган масалалар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги билан тартиблаштирилади.
- 22.3. Уставга киритилган ҳар қандай ўзгартиришлар, ҳамда Уставнинг янги таҳрири акциядорларнинг Умумий йиғилиши қарори қабул қилинган пайтдан 10 кун давомида Давлат рўйхатга олиш хизматида рўйхатга олинган бўлиши керак.

Ўзбек тилидаги версия давлат рўйхатига олинishi керак бўлган шартда инглиз ва ўзбек тиллардаги икки (2) асл нусхаларда Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳрида [16 ноябрь 2023] расмийлаштирилган.

Имзо:



[Mr. Robert P. Jensen]

Ф.И.О.:

Лавозими:

[Ягона акциядорнинг вакили
UZBEK OPPORTUNITIES FUND, LTD]
MOSAIC INSURANCE GROUP
AJ ST
—ooooo—



Ma'lumotlarni o'zgartirish haqida ma'lumotnoma

O'zgartirishdan oldin

Soliq to'lovchisining identifikatsiya raqami (STIR)
308 143 734

Nomi
MOSAIC INSURANCE GROUP

Tashkiliy-huquqiy shakli
Aksiyadorlik jamiyati

Joylashgan joyi (manzili)
Toshkent shahri, Yashnobod tumani, Toshkent shaҳri,
Yashnobod tumani, Элбек кўчаси, Уй 14


O'zgartirishdan keyin

Soliq to'lovchisining identifikatsiya raqami (STIR)
308 143 734

Nomi
MOSAIC INSURANCE GROUP

Tashkiliy-huquqiy shakli
Aksiyadorlik jamiyati

Joylashgan joyi (manzili)
Toshkent shahri, Yashnobod tumani, Toshkent shaҳri,
Yashnobod tumani, Элбек кўчаси, Уй 14



17.11.2023

2315115

Guvohnoma olingan sana

Ariza raqami

1494940





Ma'lumotlarni o'zgartirish haqida ma'lumotnoma

O'zgarishdan oldingi aksiyalar

Aksiya to'g'risida ma'lumot

Oddiy aksiyalar

Aksiyalar soni: 5700000

Aksiya bahosi: 1000 so'm

Aksiya to'g'risida ma'lumot


Oddiy aksiyalar

Aksiyalar soni: 39566531

Aksiya bahosi: 1000 so'm

Ustav fondi

45 266 531 000 so'm



17.11.2023

2315115

Guvohnoma olingan sana

Ariza raqami

1494940





Ma'lumotlarni o'zgartirish haqida ma'lumotnoma

O'zgarishdan keyingi aksiyalar

Aksiya to'g'risida ma'lumot

Oddiy aksiyalar

Aksiyalar soni: 5700000

Aksiya bahosi: 1000 so'm

Aksiya to'g'risida ma'lumot

Oddiy aksiyalar

Aksiyalar soni: 39566531

Aksiya bahosi: 1000 so'm

Aksiya to'g'risida ma'lumot


Oddiy aksiyalar

Aksiyalar soni: 26840000

Aksiya bahosi: 1000 so'm

Ustav fondi

72 106 531 000 so'm



17.11.2023

2315115

Guvohnoma olingan sana

Ariza raqami

1494940



Yuridik shaxsni davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risidagi



GUVOHNOMA

Yuridik shaxs

"MOSAIC INSURANCE GROUP" AKSIYADORLIK JAMIYATI SUG'URTA TASHKILOTI

Tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holda yuridik shaxs - tadbirkorlik subyektining to'liq nomi

"MOSAIC INSURANCE GROUP" AJ ST

Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi

308 143 734

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatga olish, axborotni o'zgartirish)

02.02.2021

Sana

2025544

Tasdiqlandi

Tashkiliy-huquqiy shakli:

AKSIYADORLIK JAMIYATI

Faoliyat yuritadigan manzil:

TOSHKENT SHAHRI, YASHNOBOD TUMANI, TOШKENT ШАХРИ, ЯШНОБОД ТУМАНИ,
ЭЛБЕК КЎЧАСИ, УЙ 14

Tomonidan berilgan:

YASHNOBOD TUMANI DAVLAT XIZMATLARI MARKAZI

1494941

